



Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КUNДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 88 (13.935)

Баҳоси эркин нарҳда

GERMANIA PREZIDENTINING TASHRIFI SAMARALI B'LDI

Германия Федератив Республикаси Федерал Президенти Франк-Вальтер Штайнмайер мамлакатимизга расмий ташрифи доирасида 29 май куни Хоразм вилоятига келди.

Олий мартабали мяхмон рафикаси хамроҳлигида Урганч давлат университети профессор-ўқитувчилари ва талабалари билан учрашди.

Мулоқот чоғида Ўзбекистонда таълим тизимига қаратилаётган эътибор, ёшларнинг жаҳон андозалари даражасида замонавий билим ва касб-хунар эгаллаши, жисмонан ва маънан етук бўлиб улгайиши, уларнинг қобилият ва истеъдодини юзага чиқариши, қалбида Ватанга садоқат ва фидойилик туйғусини юксалтириш борасида улкан ишлар амалга оширилаётгани қайд этилди.

– Ёшлари фаол мамлакатнинг келажакдаги буюк бўлади, – деди Франк-Вальтер Штайнмайер суҳбат чоғида. – Қаршимдаги ёшларнинг кўзидаги шижоати кўриб, Ўзбекистон ҳақида ҳам ишонч билан шў фикрини айта оламиз. Бу ёшлар билан нафақат ҳалқингиз, балки биз ҳам фарҳансак арзийди – улар соф немис тилида гапиряпти. Ўз фикрини раво ифода қиляпти.

Куннинг иккинчи ярмида ГФР Президенти Хива шаҳрининг тарихий обидаларини томоша қилди. Қадимий "Ичан қалъа" кўп асрлик тарихга эга. Бу ердаги мезморликнинг ноёб анъаналарини ўзида муржа сасман этган кўплаб обидалар шаҳарнинг асрлар давомидаги ривожланиш тарихидан хикоя қилади.

Меҳмонлар Кўхна арк, Паҳлавон Маҳмуд мажмуалари, Қози Калон мадрасаси, Қалта минор ва бошқа обидалар билан танишди.

Хива асрлар оша нафақат савдо-сотиқ, балки маданиятлар ва динлараро мулоқот маркази ҳам бўлиб келган. Хусусан, XIX асрда тижорат қозони билан бу ерга келиб қолган немис меннонитлари ҳам Хоразм тарихидан ўрин олган. Улар яшаган ҳудудлар ўзига хунармандлик ва савдо маркази сифатида раванқ топган.

Меннонитлар тарихи билан бугун "Ичан қалъа" ҳудудида ташкил этилган "Оқмасжидлик меннонитлар" музейида танишиш мумкин.

– Ўзбекистон – бетакрор диёр. Қадим Хива мисолида бу заминнинг асрий урф-одатлари, меҳмондўст халқи ҳақида кўп-кўп маълумотларга эга бўлди. Немис меннонитларининг бу ерда ҳаёт кечириши учун яратилган шароит ҳақида сўзлаб беришди. Уша кезларда турли миллат ва динга мансуб, турфа турмуш тарзига эга инсонларнинг аҳил ҳаёт кечиргани бугунги авлодлар учун ўзгал ўрнақдир, – деди Франк-Вальтер Штайнмайер.

Шу билан Германия Федератив Республикаси Президенти Франк-Вальтер Штайнмайернинг мамлакатимизга расмий ташрифи ниҳоясига етди. Ушбу ташриф, унинг доирасида эришилган келишувлар мамлакатларимизнинг ўзаро ишонч ва дўстлик руҳидаги муносабатлари ҳар томонлама мустаҳкамланиб бораётганидан далолат беради.

Улуғбек ШОНАЗАРОВ, Аҳмаджон ШОКИРОВ, ЎзА махсус мухбирлари

РОССИЯ ҲУКУМАТИ РАҲБАРИНING ЎЗБЕКИСТОНГА ТАШРИФИ

Россия Федерацияси Ҳукумати раҳбари Дмитрий Медведев бошчилигидаги делегация 29 май куни мамлакатимизга ташриф буюрди.

Ислом Каримов номидаги Тошкент халқаро аэропортида юқори мартабали меҳмонини Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Абдулла Арипов кутиб олди.

Қисқа суҳбатдан сўнг Россия делегацияси ўзи учун ажратилган қароргоҳга йўл олди.

Россия Федерацияси Ҳукумати раҳбари 30 май куни Урганч шаҳрида Ҳукумат раҳбарлари даражасидаги Ўзбекистон – Россия қўшма комиссиясининг биринчи йиғилишида иштирок этади.

Йиғилиш якунида қатор ҳужжатлар имзоланиши режалаштирилган.

Қўшма комиссия йиғилиши мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликнинг янги шакли бўлиб, унга 2018 йил октябр ойида Россия Президенти Владимир Путиннинг мамлакатимизга давлат ташрифи ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев билан ўтказилган олий даражадаги музокаралар чоғида асос солинган.

ЎзА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ЎҚУВ-ТАРБИЯ МУАССАСАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш, маънавий-ахлоқий, жисмонан етук, ватанпарвар, миллий анъана ва қадриятларимизга садоқатли ёшларни вояга етказиш, уларни амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларнинг фаол ва жонқуяр иштирокчисига айлантиришга қаратилган комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларининг ушбу жараёндаги иштироки, шунингдек, жисмонан ва руҳан соғлом шахсни тарбиялаш, болаларда меҳнатсеварлик ва қомилликка интилиш туйғуларини шакллантиришдаги фаолиятини янада такомиллаштиришни талаб этади.

Вояга етмаганларни ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларига жойлаштиришда уларнинг ижтимоий ҳолати, шахсий хислатлари, содир этган қилмишнинг хавфлилик даражасини тўлиқ ва тўғри баҳолаш долзарб масала бўлиб қолмоқда.

Ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларидаги бугунги ҳолат ўқув жараёнини давлат таълим стандартлари асосида сифатли ташкил этиш, ўқитувчи, тарбиячи, психолог ва бошқа ходимларнинг тарбияланувчиларга таълим бериш, уларга касб-хунар ўргатиш борасидаги кўникма ва малакаларини оширишни тақозо этади.

Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, алоҳида шароитларда тарбиялаш ва таълим беришга муҳтож бўлган ёшлар билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш мақсадида, шунингдек, 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Бош прокуратура ва Ички ишлар вазирлигининг Бахт шаҳридаги ўғил болалар махсус коллежи, Қўқон шаҳридаги махсус енгил саноят коллежи, Самарқанд шаҳридаги 64-сонли ўғил болалар мактаб-интернати ва Чиноз туманидаги 5-сонли қиз болалар мактаб-интернатининг негизида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузурда Республика ўғил болалар ўқув-тарбия муассасаси ҳамда Республика қиз болалар ўқув-тарбия муассасасини (кейинги ўринларда – Республика ўқув-тарбия муассасалари) ташкил этиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

2. Республика қиз болалар ўқув-тарбия муассасаси Тошкент вилояти, Чиноз тумани, "Гулзоробод" маҳалласи манзилида;

Республика ўғил болалар ўқув-тарбия муассасаси Сирдарё вилояти, Сирдарё тумани, Бахт шаҳри "Тадбиркор" маҳалласи манзилида жойлаштирилсин.

3. Қуйидагилар: Республика ўғил болалар ўқув-тарбия муассасаси Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясига;

Республика қиз болалар ўқув-тарбия муассасаси Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигига бириктирилсин.

Белгилаб қўйилсинки: Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ва Ички ишлар вазирлиги тегишчан Республика ўғил болалар ўқув-тарбия муассасаси ҳамда Республика қиз болалар ўқув-тарбия муассасасининг ўз вақтида тўлиқ таъминоти ва маънавий шарт-шароитлари яхшиланишига қўмақлашиш, ушбу муассасаларда маънавий-маърифий ишларнинг замонавий усул ва шаклларида фойдаланилган ҳолда соғлом ва жисмонан бақувват, руҳан тетик, билимли, ватанпарвар, фидойи, дунёқарши кенг ёшларни шакллантириш, тарбияланувчиларни Ватанга садоқат руҳида тарбиялашга;

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Республика ўқув-тарбия муассасаларида сифатли тарбия ва таълим жараёнини йўлга қўйиш, тарбияланувчиларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, уларнинг интеллектуал, жисмоний ва ижодий қобилиятларини ривожлантиришга масъул ҳисобланади.

(Давоми 2-бетда)

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ДАВЛАТ БЮДЖЕТИНИНГ 2019 ЙИЛ БИРИНЧИ ЧОРАГИДАГИ ИЖРОСИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида депутатлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тақдим этилган Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2019 йил биринчи чорагидаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботни кўриб чиқдилар.

Тақдим этилган ҳисобот палатанинг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитасида, сиёсий партиялар фракциялари ҳамда Экоҳаракат депутатлар гуруҳи, парламент қўмиталарининг мажлисларида дастлабки тарзда кўриб чиқилган эди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тақдим этилган Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2019 йил биринчи чорагидаги ижроси юзасидан ҳисоботни Ўзбекистон Республикаси молия вазири ўринбосари Еркин Турсунов тақдим этди.

Йиғилишда таъкидланганидек, 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига белгиланган вазифаларни изчил амалга ошириш, жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий соҳаларини тубдан ривожлантириш бўйича олиб борилган ислохотлар ижроси 2019 йил биринчи чораги давомида иқтисодиётнинг барқарор, мувозанатлаштирилган ҳолда ривожланиши ҳамда иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларини таъминлади.

Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2019 йил биринчи чорагидаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботни кўриб чиқиш давомида депутатлар Давлат бюджети даромадларининг шаклланиши ва ҳаражатларининг сарфланиши ҳолатини таҳлил қилдилар. Унга қўра, жорий йилнинг 1-чорагида Давлат бюджетети даромадлари 23 триллион 65,9 миллиард сўмни ташкил қилди ва ўтган йилнинг мос давридагига нисбатан 62,9 фоизга ўсиш ҳамда белгиланган 21 триллион 123,6 миллиард сўм режа 1 942,3 миллиард сўмга ортиги билан ёки 109,2 фоизга бажарилган. Ўз навбатида, Давлат бюджети даромадларининг Ялпи ички маҳсулотдаги улуши 25,3 фоизни ташкил қилган.

(Давоми 2-бетда)

Пойтахтимизнинг Миробод туманида жойлашган Гёте номидаги 60-умумтаълим мактабидан Президентимиз томонидан ижтимоий, маънавий-маърифий соҳалардаги ишларни янги тизим асосида йўлга қўйиш мақсадида илгари сурилган 5 та муҳим ташаббуснинг мазмун-моҳиятини ёшларга етказишга бағишланган амалий тадбир ўтказилди.



ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



PREZIDENTIMIZNING 5 TA TASHABBUSI NEMIS TILIDA SHARQLANDI



Халқ таълими вазирлиги, туман ҳокимлиги масъуллари, Германиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси вакиллари, Тошкентдаги Гёте институти мутахассислари иштирок этган тадбирда мамлакатимизда ёшларни маданият, санъат, жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, китобхонликни оммалаштириш, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди. Мактабга Гёте номининг берилиши икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга хизмат қилиши қайд этилди.

Тадбирда мактабнинг юқори синф ўқувчилари томонидан Президентимизнинг 5 та ташаббуси немис тилида шарҳлаб берилди. Утилаётган амалий ва назарий дарслар бўйича тақдиротлар ўтказилди. Болалар ижро-

сидаги турли саҳна кўринишлари ва рақслар намойиш этилди.

– Айни пайтда мактабимизда 2 минг 325 та ўқувчи тахсил олмақда, – дейди Гёте номидаги 60-умумтаълим мактаби директорининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари Хилола Каримова. – Таълим даргоҳимиз немис тилига ихтисослашгани учун бу йўналишда турли лойиҳалар амалга оширилди. Фан олимпиадалари, танловларда ёшларимиз фаол қатнашди. Жумладан, жорий йилда 11-синфни битираётган 150 та ўқувчидан 87 нафари Германиянинг олий таълим муассасаларига имтиёзли кириш имконини берадиган "Sprachdiplom"га эга бўлди.

Меҳмонлар мактабда ташкил этилган фан, соғломлаштириш ва касб-хунар тўғрисидаги фаолияти билан танишди. Жумладан, немис тили, компьютер, тикувчилик, расм чизиш, мусика ва адабиёт тўғрисидаги машғулотларда болаларнинг фаол қатнашаётгани барчада илқ таассурот қолдирди. Спорт зали зарур жиҳозлар билан таъминланган бўлиб, ўқувчилар бу ерда касбқотбол, волейбол, гандбол ва мини-футбол билан шугулланиши мумкин.

– Мактабни тамомлагач Германиянинг нуфузли олийгоҳларида компьютер технологиялари бўйича ўқиш, малакали мутахассис бўлишни режалаштирганман, – дейди Гёте номидаги 60-умумтаълим мактабининг 9-синф ўқувчиси Сардор Шокиров. – Бунинг учун ҳозирдан ўз устимда ишлаб, немис тилини мукамал ўрганмоқдаман.

Меҳмонлар мактаб ўқувчилари билан ақиндан суҳбатлашиб, уларнинг орзу-ўйлари билан қизикди. Мамлакатимизда немис тилини ўқитиш тизимини такомиллаштириш, Германия таълим муассасалари билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш борасида фикр алмашилди.

Абдулазиз МУСАЕВ



МАМЛАКАТИМИЗДА

• Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Сурхондарё вилояти бўлини масида "Менинг дадам – Миллий гвардия ҳарбий хизматчиси" деб номланган тадбир бўлиб ўтди. Халқро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан ташкил этилган тадбирда ҳарбий хизматчиларнинг фарзандлари ва Терминз шаҳридаги 12-, 13-умумтаълим мактабларининг ўқувчилари иштирок этди. Унда мактабларнинг ўқувчилари, ҳарбий хизматчиларнинг ўғил-қизлари ҳарбийларнинг хизмат

вазифалари, ҳаёти ва яшаш шароитлари билан ақиндан танишди. Замонавий техника ва қурол-аслаҳаларни катта қизиқиш билан томоша қилди.

• Тошкентда масъулияти чекланган "Жамият шаклидаги Cardio Star Plus" замонавий диагностика маркази ўз фаолиятини бошлади. Шифо масканининг фойдаланишга топширилиши билан 80 та иш ўрни очилди. Уларга юқори малакали мутахассислар жалб этилди. Шифокорларнинг аксарияти Россия, Япония, Хиндистон каби хорижий давлатлардаги етакчи клиникаларда малака ошириб келишган.

• Ўзбекистон Республикаси Президентининг Боғот тумани Халқ қабулхонаси томонидан туман сектор раҳбарлари билан ҳамкорликда ўтказилган сайёр қабулда аҳоли эътирозларига сабаб бўлаётган, уларни ўйлантираётган муаммо ва камчиликлар мутасаддилар иштирокида кўриб чиқилди. 43 та маҳаллада ўтказилган оммавий қабулда 408 та масала кўтарилган бўлиб, 54 таси жойида ҳал этилди, 213 тасига тушунтириш бе-

рилди, 141 таси эса ҳозирда ўрганиш жараёнида.

ЖАҲОНДА

• АКШнинг "Форд моторс" автомобилсозлик компанияси янги стратегияни ҳаётга таътиқ этиш мақсадида Европа ва Жанубий Америкадаги қорхоналардан 7 мингта иш ўрнини қисқартиришни бошлади. Қисқартириш асосан бошқарувчи ходимлар ва менежерларга тааллуқли бўлиб, бу компанияга йилга 600 миллион долларлик маблағни тежаш имконини беради.

• Япониянинг Кавасаки шаҳрида пичоқ билан қуролланган кишининг атрофдагиларга, асосан қизларга ҳужум қилиши натижасида икки қизалоқ ҳаётдан кўз юмди, беш нафари оғир аҳволда касалхоналарга ётқизилди. Ушбу қимса қабих жиноятни амалга оширганидан сўнг ўзини ҳам пичоқлаб ўлдирди. Ҳозирда жиноятчи шахси ва воқеа сабаблари аниқланмоқда.

ҚИСҚА САТРАЛДАРДА

- Шаҳримизнинг Сергели туманида универсал савдо маскани – "Яшил бозор" ишга тушди.
- Халқ таълими вазирлиги ҳамда "Kundalik" компанияси пойтахтимиз мактабларида электрон журнал ва кундаликларни сиводдан ўтказди.
- Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтининг Қарши филиали ташкил этилди.
- Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги томонидан "Ўзбекистон ҳаваларида хавфсизликни таъминлаш борасида белгиланган чора-тадбирлар" мавзуда матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Гафур Гулом номидаги маданият ва истироҳат боғида Қизил Хоч ва Қизил Ярим Ой Халқаро ҳаракати ташкил топганлигининг 156 йиллигига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

Тадбир Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти ва Ўзбекистон ҚЯОЖ Тошкент шаҳар ташкилоти, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Халқаро Қизил Хоч қўмитасининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси вакиллари, Соғлиқни сақлаш, Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим, Ички ишлар бош бошқармалари, Фавқулодда вазиятлар бошқармаси ва бошқа мутассадди ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилди. Унда пойтахтимиз умумтаълим мактаблари санитария постлари ўртасида "Саломатликнинг ёш дўстлари" мусобақасининг шаҳар босқичи ўтказилиб, ғолиблари аниқланди.

"Мен Қизил Хоч ва Қизил Ярим Ой Халқаро ҳаракатини севаман!" шiori остида ўтказилган тантаналарда маҳаллий ҳокимият органлари, таълим, соғлиқни сақлаш тизими вакиллари, талаба ва ўқувчилар, саховат уйлари тарбияланувчилари ҳамда кўнгилчилар иштирок этди.

Тадбир иштирокчиларини қутлаш учун сўз Ўзбекистон ҚЯОЖ ижрочи директори Эльвира Амралиева ҳамда Халқаро Қизил Хоч Қўмитасининг Марказий Осиёдаги минтақавий ваколатхонаси раҳбари Жан Жером Касабьянка ва Қизил Ярим Ой жамияти Тошкент шаҳар ташкилоти раиси Умида Муҳамедоваларга берилди. Сўз олганлар Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамиятининг бугунги кунда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлами манзилли ҳимоялаш, ногиронлар, кексалар, ночор ва ёлғизлар ҳолидан хабар олиш, юртимизда соғлом турмуш тарзини юксалтириш борасида олиб борилаётган фаолияти, ёшларнинг тиббий маданиятини ошириш ва саломатлигини яхшилашда муҳим омил бўлаётганини таъкидлаб ўтишди.

Сўлим боғнинг турли томонларида Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамиятининг асосий йўналишлари тўғрисида кўргазмани ва тўлиқ маълумот бериш учун 5 нуктада бекатлар ташкил этилди. 1-бекат – "Беғараз донорлардан қон қабул қилиш" сайёр гуруҳи. 2-бекатда – "Биринчи ёрдам кўрсатиш ва Фавқулодда вазиятларда жабр кўрганларга ёрдам кўрсатиш" ҳамда "Фавқулодда вазиятларда тезкор ҳаракат қилиш" гуруҳлари – у ерда турли маиший жароҳатланганда, транспорт йўл ҳаракати натижасида жабр кўрганларга ҳамда фавқулодда юз берган талафотлар туфайли жабрланганларга биринчи ёрдам ва инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш бўйича тўлиқ маълумотлар берилди. 3-бекатда – "Қидирув хизмати ва йўқолган оилаларни бирлаштириш" гуруҳи, Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти Қидирув хизмати

халқаро даражада фаолият юритади ҳамда узоқ ва яқин хориж Миллий Жамиятларидаги ўз ҳамкасблари билан яқин ҳамкорлик қилади. Унинг бош вазифаси яқинлари ва қариндошлари билан алоқани йўқотган кишиларга оиланинг ўз яқинлари тақдирини ҳақида билиш ҳуқуқини амалга оширади, уларга маънавий ёрдам кўрсатади ва қўллаб-қувватлайди. 4-бекатда – Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти қошида ташкил қилинган "Инсонийлик" маркази ходимларидан ташкил топган гуруҳда марказ тўғрисидаги тўлиқ маълумотлар тақдим этилди. 5-бекатда – мактаблардаги бошланғич ташкилотларида ташкил қилинган "Саломатликнинг ёш дўстлари" мусобақасининг шаҳар босқичи ўтказилди.



САЛОМАТЛИКНИНГ ЁШ ДЎСТЛАРИ МАҲОРАТИНИ КЎРСАТДИ

Боғ саҳнасида махсус дастур асосида жамият волонтерлари томонидан Халқаро Қизил Хоч ва Қизил Ярим Ой Халқаро ҳаракатининг 156 йиллиги муносабати билан "Мен Қизил Хоч ва Қизил Ярим Ой Халқаро ҳаракатини севаман!" шiori остида жамият йўналишларини ўз ичига қамраб олган саҳна кўринишлари, концерт дастурлари намойиш этилди.

— Инсонпарварлик, бетарафлик, мустақиллик, ихтиёрлик, ягоналик, ҳолислик, умумийлик каби тамойиллари асосида Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти ўз фаолиятини давом эттириб келмоқда, — дейди Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти Тошкент шаҳар ташкилоти раиси Умида Муҳамедова. — Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти Тошкент шаҳар ташкилоти ҳам шу тамойилларга асосланган ҳолда аҳоли ўртасида, шу жумладан ёш авлоднинг соғлом воғга етишиши мақсадига соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш ҳамда уларни фавқулодда вазиятлар юз берганда ўзи ва ўзгаларга биринчи ёрдам

кўрсата олиш билимларига ўргатмоқда. Шу муносабат билан Қизил Ярим Ой жамияти ҳар йили анъанавий тарзда шаҳар миқёсида "Саломатликнинг ёш дўстлари" мусобақасини ўтказди. Бу мусобақада "Саломатликнинг ёш дўстлари" туман мусобақасида ғолиб бўлиб, фахрли биринчи ўринни эгаллаган санпост аъзолари иштирок этиб, улар 7 босқичда ўзаро беллашдилар. Мусобақани ўтказишдан кўзланган асосий мақсад ёшлар орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти тарихи ва фаолияти ҳақида маълумот бериш ҳамда ёшларда инсонпарварлик туйғусини янада ривожлантиришдан иборатдир.

Мусобақада 1-ўринни Яшнобод туманидаги 244-мактаб санитария пости, Олмасор туманидаги 11-мактаб санитария пости ҳамда Мирзо Улугбек туманидаги 71-мактаб санитария пости, 2-ўринни 3-ўринни Миробод туманидаги 213-мактаб, Сергели туманидаги 300-мактаб, Юнусобод туманидаги 274-мактабларнинг санитария пости қўлга киритишди.

Тадбир иштирокчилари Жамиятнинг инсонпарварлик фаолиятини амалга ошириш учун зарур бўлган потенциал билан танишиш имкониятига эга бўлишди. Шу билан бирга деворий рўзномалар кўрик-танловлари ҳам ташкил этилди. Натижаларга кўра, 1-ўринни Олмасор туманидаги 11-мактаб санитария пости, 2-ўринни Яшнобод туманидаги 244-мактаб санитария пости, 3-ўринни Яқкасарой туманидаги 91-мактаб санитария пости эгаллади. Тадбир сўнггида ғолиблар ва энг фаол иштирок этган жамоалар эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Зиёда РАСУЛОВА
СУРАТДА: тадбирдан лавҳа

Таълим

ЗАРАРЛИ ИЛЛАТЛАРГА ҚАРШИМИЗ

Тошкент темир йўл муҳандислари институтида талаба-ёшларни ҳушёрлик ва огоҳликка чорлаш, мамлакатимизда ҳукм сураётган тинчликка шукроналик руҳида қараш ҳамда тарбиялашга қаратилган "Кибертерроризм: миллий ва халқаро хавфсизликка таҳдид" мавзусида маънавий-маърифий-ҳуқуқий профилактик тадбир ташкил этилди.

Тадбир аввалида талабалар эътиборига "Кейинги бекат" деб номланган видеофильм намойиш этилди.

Тошкент темир йўл муҳандислари институтининг Ёшлар билан ишлаш бўйича прокатори Дилшод Баратов тадбирни кириш сўзи билан очар экан, истиклол туфайли халқимиз, айниқса ёшларимиз учун кенг имкониятлар яратилаётганлиги, ёшларнинг илм олиши ва ҳаётда кўзлаган орзу-ниятларига эришиш учун барча шарт-шароитлар мавжудлигини таъкидлади.

Жумладан, прокатор ўз сўзида бугунги кунда интернетнинг инсонлар ҳаётидаги муҳим жиҳатлари ва аҳамияти фуқароларнинг ундан қай даражада фойдаланиши ҳамда айрим кимсаларнинг иш юзасидан эмас, балки гаразли мақсадларда фойдаланаётганлиги, бунинг натижасида келажак авлод билиб-билмай зарарли оқимлар қуршовига кириб кетаётганлиги энг оғриқли нуқталаримиздан бири эканлигини ҳам қайд этиб ўтди.

Тадбир доирасида бугунги глобаллашган даврда "манфур кимсалар" интернет тармоқларида ўзларининг мафқуравий майдонларини яратиб, кенг қамровли ахборий террор – "электрон жиҳод" сингари оқимларнинг жаҳолатга бошловчи қаҳриқлар олиб бораётгани, глобал ва минтақавий хавфсизликка нисбатан янги таҳдидлар ва муаммолар пайдо қилаётганлари дунё мамлакатлари олдига ахборот хавфсизлигини таъминлаш муаммоларини келтириб чиқараётганлиги борасидаги фикрлар баён қилинди.

Дарҳақиқат, ахборотлашув жараёнининг ривожланиши компьютер жиноятчилиги ва компьютер терроризми каби янги жиноятларнинг пайдо бўлишига замин яратди. Янги ва ўрганилмаган жиний соҳа сифатида инсоният учун хавфли ҳисобланган кибертерроризм муаммосини ҳал этиш алоҳида

эътибор талаб қилади.

Интернет тармоғидаги очик манбалар орқали биологик, кимёвий ҳаттоки ядро қуролларини тайёрлаш технологияларини ўрганган ҳолда амалга оширилаётган террорчилик ҳаракатлари ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар эътиборини тортмоқда. Сайтларни ноқонуний йўллар билан бузиш орқали кибертеррорчилик турли махфий маълумотларни олиш имкониятига эга бўлмоқда.

Кибертерроризм аслида ахборот технологиялари ички фаолиятига ноқонуний аралашуш, компьютерда мавжуд дастурлар ёки маълумотларни мақсадли равишда йўқ қилиш, зарар келтириш, давлат органларининг муҳим қисмлари фаолиятини издан чиқариш билан бирга инсонлар ҳаётига хавф солиш, моддий зарар келтириш ёки оммавий кўрқитиш, ҳарбий низолар каби турли зарарли оқибатларни келтириб чиқаришга қаратилган ҳаракатдир, — дейди Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги дин ишлари бўйича қўмита мутахассиси Илхом Маърупов. — Кибертерроризмнинг шиддат билан ўсиб боришининг яна бир сабаби, у қурол-ярғоқ ёрдамида амалга оширилаётган террорчилик ҳаракатидан арзонга тушади, жанговар ҳаракатлар, портлашлар, хунрезликлар бўлмайди. Бузғунчи ҳаракатлар интернет ва ижтимоий тармоқлардан фойдаланган ҳолда амалга оширилади. Шу боисдан ҳам талаба-ёшларга фақат махсус ҳимояланган сайтларга ҳамда uz. доменга киришларини тавсия этаман.

Мулоҳаза, мунозара ва қизгин фикрларга бой тарзда яқунланган тадбир барча иштирокчиларга бирдай манзур бўлди ва учрашув давомида талабалар ўзларини қизиқтирган барча саволларига батафсил жавоблар олдилар.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА

ИҚТИДОРЛИ ВА ИСТЕЪДОДЛИЛАР САФИ КЕНГАЙМОҚДА

Мамлакатимизда ёшларимизни билимли, ҳунарли, жисмонан соғлом, маънан етук бўлиб камол топиши учун барча шароитлар яратилган.

Ўсиб келаётган авлоднинг ижодий қобилиятларини аниқлаш ва ривожлантириш, уларнинг бўш вақтдан оқилона фойдаланишига йўналтирилган мактабдан ташқари ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш мақсадида "Баркамол авлод" болалар марказлари фаолият юритилмоқда.

Мирзо Улугбек туман "Баркамол авлод" болалар марказида Президентимиз томонидан илгари сурилган 5 муҳим ташаббус доирасида ўқувчи-ёшлар билан ишлашни самарали ташкил этишда маданият, санъат, спорт, ахборот-технологиялари, китоб ўқишга қизиқишини ошириш, қизларнинг ижтимоий фаол ҳаётга жалб этиш мақсадида "Очиқ эшиклар кўни" тарғибот тадбири ташкил этилди.

Ўқувчи-ёшларни ёзги таътил кунларини мароқли ўтказиши, қизиқишига кўра турли тўғаракларга жалб қилиш мақсадида ташкил этилган тадбирга М.Улугбек туманидаги барча умумтаълим мактаблари ўқувчилари, маҳалла фаоллари, кам таъминланган оила фарзандлари, ИИБ профилактик рўйхатида турувчи воёга етмаганлар ташриф буюрдилар.

— Туман "Баркамол авлод" болалар марказида ҳозирги кунда 21 йўналишда тўғараклар фаолият юритилмоқда, — дейди Мирзо Улугбек тумани "Баркамол авлод" болалар маркази директори Гулмира Шарустимова. — Ёш мавсумида болалар учун соғломлаш-

тириш майдончаси ташкил этилиши ва тўғарак машғулотлари мунтазам фаолият олиб борилиши кўзда тутилган. Тадбирга ташриф буюрган меҳмонлар учун марказ тўғараклари ҳақида маълумотлар берилди. Шунингдек, 2018-2019 ўқув йилида тўғаракларга мунтазам қатнаган тўғарак аъзоларига гувоҳномалар, кўрик-танловлар, марказ томонидан уюштирилган тадбирларда фаол иштирок этган ўқувчиларга фахрий ёрликлар ва эсдалик совғалари тақдим этилди. Ёшлар тарбиясида ўзларининг улкан ҳиссасини кўшиб келаётган марказ педагог-ҳодимлари ҳам эътибордан четда қолдирилмай, уларга "Ташаккурномалар" топширилди.

Ёш мавсуми давомида ички туризмни ривожлантириш дастури ижросини таъминлаш мақсадида марказнинг фаол тўғарак аъзолари учун республика миқёсида тарихий масканларга саёҳат уюштирилиши режалаштирилди.

Тадбир давомида марказ тўғараклари аъзолари томонидан ижодий ишлар кўргазмалари, маҳорат машғулотлари, шунингдек, мусиқий чиқишлар, саҳна кўринишлари намойиш этилди.

Ёшларга манзур бўлган тадбир иштирокчилари ёзги таътил давомида "Баркамол авлод" болалар марказида фаолият юритаётган тўғаракларга келиш истагини билдирдилар.

Зарина РУСТАМОВА



Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: (0-371) 233-28-95
факс: (0-371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамити»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин. Газета таҳририят компьютер марказида теринди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Бизнинг электрон маърузи:
gazeta-vto@umail.uz

Буюртма Г-546

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиққани
Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
2174 нусхада босилди.
Қўғоз бичими А-2

Нашр учун масъул
О. Ҳазратов

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бosh муҳаррир
Акмал АКРОМОВ

Толпириш вақти: 13.00
Босишга толпирилди: 15.00



МОЗИЙГА ҚАЙТИБ ИШ КЎРМОҚ ХАЙРИДИР

Номард тузингни ичади-ю, гийбатингни қилиб кетади.

* * *

Эътиборсизлик кўнгил совушига сабаб бўлади.

* * *

Бахтни ҳар ким ҳар хил тушунади.

* * *

Ҳар ким тушунчасига кўра яшаб ўтади.

* * *

Қадрингни ўзинг билмайсану ўзгандан нима гина.

* * *

Гийбат ҳеч кимга обрў келтирмаган.

* * *

Кимни айтган сўзи ўлдиради, кимни айтилмаган.

* * *

Ҳақиқат — дарё, ёлғон — кўпик.

* * *

Пул кўнгилдан меҳру оқибатни сиқиб чиқаради.

* * *

Бировни бекорга умидвор қилиш ёмон.

* * *

Норозилигини бошқа йўл билан билдирадиганлар бор.

* * *

Нимани қаттиқ хоҳласанг, айнан ўша нарсага эришолмайсан.

* * *

Одам боласи яхшилиқни унутади-ю, ёмонликни кўнглига тугади.

* * *

Иши юришмаган киши жиззаки бўлиб қолади.

* * *

Ўзини асрамайдиган кишига душман шарт эмас.

* * *

Аҳмоқона қайсарлик ўзингни азоб-ға кўйишдан бошқа нарса эмас.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

"Тошкент вилояти Зангиота тумани ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри" давлат корхонаси томонидан Зангиота тумани, Бўз-сув ҚФЙ, Аччи-сой МФЙ, Катта оқсой 4-берк кўчаси, 14-уй учун Исаходжаев Музаффар Абдусаламович номига берилган кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент шаҳри Яқкасарой тумани "Ягона дарча" маркази томонидан 23.01.2017 йилда № 009781-11 реестр рақам билан рўйхатдан ўтган "ART WORK GROUP" МЧЖ (СТИР 304562231) таъсисчининг 30.05.2019 йилдаги қарорига асосан
ТУГАТИЛАДИ
Давволар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой муддат ичида Яқкасарой тумани, Муқимий 1-тор кўчаси, 7-уй манзилида қабул қилинади.
Тел: +99891 166-29-27.

ЎЗГИДРОМЕТ
ХАБАР ҚИЛАДИ
Тошкент шаҳрида 31 май кунини ҳаво вақти-вақти билан ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундида 5-10 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 18-20, кундузи — 33-35 даража илқ бўлади. Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотиغا кўра, 31 майда Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз таққалиб кетишига имконият яратди, ифосланиш даражаси паст бўлади.